



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА FINTECH ЖОРИЙ ЭТИЛИШИНING ИННОВАЦИОН БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ ИВОЖЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ

Ташева Нигина Умаровна

Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия

Академияси тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11189480>

Аннотация. Ушбу тезисда банк тизимида FinTech жорий этилишининг аҳамияти, банкларнинг молиявий воситачилигини оширишдаги роли, хусусан мамлакатимизда тижорат банкларини трансформация қилиш жараёнларида мазкур тизимнинг фойдали жиҳатлари, хусусан инновацион ва масофавий банк хизматлари кўлами ҳамда сифатини оширишда тутган ўрни юзасидан муаллифлик ёндашувлари келтириб утилган.


Калит сўзлар: FinTech, инновацион банк хизматлари, молиявий воситачилик, трансформация, масофавий банк хизматлари.

FinTech – молиявий хизматлар бозорида янги технологиялар ва инновациялардан фойдаланадиган бизнес йўналиши бўлиб, у рақамли, мобил тўловлар ва ўтказмалар, электрон ҳамёнлар, онлайн кредитлаш, P2P платформалари каби илғор соҳаларни ўз ичига қамраб оладиган тизим бўлиб, ўз навбатида инновацион банк хизматлари ривожланишига туртки бўлади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тижорат банкларининг молиявий воситачиликдаги роли тобора ортиб бормоқда ва бу ўз навбатида, янги банк хизматлари кўламининг тобора кенгайиб бораётганлиги билан изоҳланади. Хусусан, қўшилган қиймат бўйича ҳисобланган молиявий хизматлар ҳажмининг ЯИМдаги улуши 2018 йилдаги 2,4 фоиздан 2022 йилга келиб 3,8 фоизга кўтарилган (*Мамасалаев ва бошқ., 2024*).

Глобал иқтисодиётда интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг сони ортиб бориши, смарт технологияларнинг жорий этилаётганлиги, сунъий интеллектнинг ривожланиб бораётганлиги шароитида банкларнинг FinTech жараёнларини тезлаштиришга ундамоқда ва бундан кўзланган асосий мақсад молия бозорида хизмат кўрсатишда янги банк хизматларини татбиқ этиш орқали рабаотбардошликни сақлаб қолиш бўлиб ҳисобланади.

Банк маҳсулотлари кўлами ва сифатини ошириш, хусусан масофавий банк хизматлари, мобил банкинг, онлайн кредитлар ажратиш ва бунда рақамли технологияларни жорий этиш FinTech жараёнларини





кенгайтириш орқали амалга оширилиб, ушбу жараёнлар орқали банкларнинг молиявий воситачилик роли ошади, тижорат банклари ўртасида соғлом рақобат муҳитининг шаклланишига имкониятлар кенгаяди.

Тезис мавзусининг долзарблиги

Молия бозорининг ривожланиб бораётганлиги ортидан банк хизматлари истеъмолчиларининг молиявий саводхонлик даражаси ортиб бормоқда ва бу ўз навбатида тижорат банкларини банк хизматлари бозорида янги инновацион хизмат турларини жорий этишдаги ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилишини тақозо этмоқда.

Бу борада хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, хусусий сектор ривожланишини рағбатлантириш, банкларнинг инвестициявий жозибадорлигини, банк хизматлари оммабоплиги ва сифатини ошириш учун банк секторини тубдан трансформация қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, бунда банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, банкларнинг самарали инфратузилмасини яратиш ва фаолиятини автоматлаштириш вазифалари ҳам белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармонида банк тизимига замонавий сервис ечимлари асосида ахборот технологияларини, молиявий технологияларни кенг жорий этиш бўйича топшириқлар белгиланди.

Юқорида қайд этилган вазифалардан келиб чиқилса, ушбу мавзунинг долзарблиги ва бу борада тадқиқотлар, изланишлар олиб борилиши муҳим эканлиги намоён бўлади.

FinTech жорий этилишининг янги банк хизматларини жорий этишдаги аҳамияти

Sana Arz Bhutto ва бошқалар (2023) ўз тадқиқотларида FinTech жорий этилиши тижорат банклари бизнесида ўсишга эришишига туртки бўлишини ва бунда, ишчиларнинг структурасида ўзгаришлар қайд этилиб,





хусусан FinTech соҳасида мутахассисликка бўлган талаб ошиб боришини таъкидлашган.

Мазкур тадқиқот хулосаларига кўра, FinTech жорий этилиши кўплаб банк операцияларини амалга оширишда автоматлаштириш технологияларининг қўлланилиши эвазига ходимлар ўртасида рақобат кучаяди ва мижозларга кўрсатиладиган банк хизматлари кенгайиб, сифати ошади. Шу билан бирга, бу борада банк назорати, жумладан банклар ва тўлов тизимлари ишлашинининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида молиявий барқарорлик нуқтаи-назаридан назорат чоралари такомиллаштирилиши лозим бўлади.

Бошқа бир тадқиқотда қайд этилишича, банклар янги банк хизматлари маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларида инновацион фаолият натижаси, бошқача айтганда унинг самарадорлигини прогнозлаш орқали баҳолашлари тавсия этилади (*Флигинских ва тарасова, 2016*).

Хусусан, янги инновацион банк хизматларини жорий этиш бир қанча ички ва ташқи омилларга, хусусан макроиқтисодий, меъёрий-ҳуқуқий, молиявий, инсон ресурслари, технологик рискларига боғлиқ бўлиб, банклар бу борада аниқ прогнозларга таяниб иш тутишлари лозимлиги таъкидланади.

Тумин ва бошқалар (2018) ўз таҳлилларида FinTech орқали янги банк маҳсулотларини жорий этишда юзага келиши мумкин бўлган киберхавфсизликни таъминлаш муҳимлигини кўрсатишиб, эски инфратузилмалардан воз кечиб, янги технологияларни жорий этиш маълум кибер ҳужумлар хатарларини ошириши мумкинлигидан огоҳлантиришган.

Таъкидлаш жоизки, тўлов тизими операторлари, кредит ва тўлов ташкилотлари томонидан киберхавфсизлик ҳодисалари тўғрисидаги маълумотларни Марказий банкнинг “CERT-CBU” киберхавфсизлик марказига тезкорлик билан хабардор қилиш бўйича марказнинг расмий сайтида маълумот бериш имконияти яратилиб, тижорат банклари, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари томонидан уларнинг номи ва рамзий логотипларидан фойдаланган ҳолда ясалган сохта ҳаволалар тўғрисида маълумотлар киритиб борилиши йўлга қўйилган.

Марказий банк томонидан тижорат банклари, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари, шунингдек Ички ишлар органлари билан ҳамкорликда фирибгарлик ҳолатларида иштирок этган банк карталарини блоклаш ҳамда мазкур банк карталаридаги пул





маблағларини мобиль иловалар орқали хорижий ҳисобрақамларга ўтказишни олдини олиш бўйича чоралар кўриб борилади.

Бунда, банк карталари билан боғлиқ фрод (fraud) операцияларни олдини олиш мақсадида мобиль иловалар орқали пул маблағларини ўтказишда мижозларни биометрик идентификациядан ўтказиш, пул ўтказмаларини тасдиқлаш ва мобиль akkaунтларидан фойдаланишда қўшимча хавфсизлик талаблари, мобиль иловалардан фойдаланишда кўп факторли аутентификация методларини қўллаш йўлга қўйилган бўлиб, бу ўз навбатида тижорат банкларининг янги банк маҳсулотларини яратишда FinTech жорий этилишини осонлаштиришда асосий омиллардан бўлиб хизмат қилади.

FinTech жорий этилиши банк хизматларидан фойдаланувчиларнинг ушбу хизматлардан фойдаланиш бўйича харажатларини қисқаритилади, шафофликни оширади, молиявий маълумотларга эга бўлиш жараёнларини осонлаштиради (Ryu, 2018).

Хулоса ва таклифлар

Мазкур тезисда асосий эътибор FinTech жорий этилишининг янги банк хизматларини жорий этилишидаги таъсири ва унинг афзалликларига қаратилиб, бунда истеъмолчиларга яратиладиган кенг имкониятлар билан биргаликда юзага келиши мумкин бўлган хатарлар ва унинг салбий таъсирини юмшатиш учун жорий этилиши мумкин бўлган чораларга қаратилди.

FinTech жорий этилишига асосий эътибор берилиши лозим бўлган вазифалар сифатида қуйидагилар таклиф этилади:

1. Янги банк хизматлари жорий этилишида истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, хусусан банк карталаридан фирибгарлик йўли билан маблағларни ечилиши ҳолатларига асосий эътибор қаратилиши лозим бўлиб, бу ўз навбатида банк хизматларидан фойдаланувчиларнинг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш билан бир қаторда мижозларни кўпайтириш ва банклар ўртасида рақобатбардошликни оширади.

2. Янги инновацион банк хизматларини жорий этиш бир қанча ички ва ташқи омилларга, хусусан макроиқтисодий, меъёрий-ҳуқуқий, молиявий, инсон ресурслари, технологик рискларига боғлиқ бўлганлиги сабабли янги банк хизматларини жорий этишдан олдин мазкур хатарларни олдиндан баҳолаш ва юзага келиши мумкин бўлган рискларни бартараф





эта олишининг йўллари ва муддатлари аниқ прогноз қилиниши лозим бўлади.

3. FinTech жорий этилиши бу борада махсус билимга эга бўлган мутахассисларга талабни оширишини инобатга олган ҳолда бу борада ходимлар малакасини ошириш, ходимлар сони қисқариши мумкинлигини баҳолаган ҳолда аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим.

4. FinTech жорий этилиши кўп молиявий маблағларни талаб қилишини ҳисобга олган ҳолда янги хизматларни жорий қилишдан келадиган наф баҳоланиши, мазкур бозорда эришилиши мумкин бўлган ютуқлар баҳоланиши бўйича “йўл хариталари” ишлаб чиқиши таклиф этилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли фармони.
3. Мамасалаев Ж., Тошназаров А., Зиядуллаева М., (2024). Молиявий воситачиликнинг иқтисодий ўсишга таъсир этиш механизми ва самарадорлиги таҳлили. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, <https://cbu.uz/oz/monetary-policy/analysis/1558867/>
4. Тумин, В. М., Бухонова, С. М., & Кривцова, В. А. (2018). Внедрение инновационных банковских продуктов в деятельность российских коммерческих банков. Вестник Белгородского государственного технологического университета им. ВГ Шухова, (8), 145-151.
5. Флигинских, Т. Н., & Тарасова, Т. Ю. (2016). Факторы, определяющие развитие инноваций в виде новых банковских продуктов. Креативная экономика, 10(10), 1157-1168.
6. Bhutto, S. A., Jamal, Y., & Ullah, S. (2023). FinTech adoption, HR competency potential, service innovation and firm growth in banking sector. Heliyon, 9(3).
7. Ryu, H. S., (2018). What makes users willing or hesitant to use Fintech?: the moderating effect of user type. Industrial Management & Data Systems, 118(3), 541-569.

